# ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ

## ЁКИ УНГА ҚЎЙИЛГАН ҚОНУНИЙ ТАЛАБЛАР ХУСУСИДА

**БИРИНЧИ МАҚОЛА**

Жиноий жавобгарлик деганда ҳар қандай давлатнинг содир этилган жиноятга нисбатан жавоб муносабати тушунилади ва у жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибати ҳисобланади. Жиноятга доир қонунчиликка мувофиқ қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс, албатта, жиноий жавобгарликка тортилиши шарт. Лекин инсонпарварлик ва одиллик тамойили туфайли қонунчилик шахсни содир этган қилмиши учун жиноий жавобгарликдан озод этиш имконини беради. Жиноятни содир этган шахсни мазкур қилмишнинг ҳуқуқий оқибатларидан озод этиш жиноий жавобгарликни мазмун-моҳиятини ифода этади. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш шахснинг жиноят белгиларини ифодалаган қилмишни содир этганида уни жиноий жавобгарликка тортиш ҳамда мазкур шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш учун барча қонуний асос ва шарт-шароитлар мавжуд бўлган ҳолатлардагина юзага келиши мумкин. Бошқача айтганда, жиноий жавобгарликдан озод қилинган қилмиш содир этилган вақтда жиноят деб ҳисобланиши баробарида жавобгарликдан озод қилинганидан кейин ҳам ҳуқуқий хусусиятини йўқотмайди, яъни жиноят бўлиб қолаверади. Бундан ташқари, жиноий жавобгарликдан озод қилиш одатда ижтимоий хавфлилик хусусияти катта бўлмаган жиноятларни биринчи марта содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти ўз қўлланиш доирасига эга бўлиб, унга биноан ушбу қоидаларни дастлабки тергов босқичидан то суд муҳокамасидаги айблов ҳукми чиқарилишигача бўлган давр мобайнида қўллаш мумкин. Айблов ҳукми чиқарилиши билан ушбу қоидаларни амалиётга тадбиқ этиб бўлмайди. У ҳолда жазодан озод қилиш институти амал қилади.Қисқа қилиб айтганда, давлатнинг ваколатли идоралари айбдорни ҳукм қилиш, қилмиш учун жазо тайинлаш мажбуриятидан воз кечса, қилмишни содир этган шахс ҳукм қилиниш мажбуриятидан озод этилади.

Мамлакатимиз Жиноят Кодексига мувофиқ жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетгани муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш (64-модда);
2. Қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотгани муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (65-модда);
3. Айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлгани муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (66-модда);
4. Ярашгани муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (66-1 модда);
5. Касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш (67-модда);
6. Амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш (68-модда)

Булар жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг алоҳида умумий турлари ҳисобланади. Бундан ташқари, Жиноят Кодекси махсус қисмининг айрим меъёрларида ҳам жиноий жавобгарликдан озод қилинадиган ҳолатлар кўрсатилган бўлиб, у фақат ўша модданинг ўзида кўрсатилган жиноятни содир қилган шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин.

Энди жиноят содир этган шахснинг қонунда белгиланган муддатлар ўтиб кетган бўлса, жиноий жавобгарликдан озод қилиниши масаласига батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, содир этилган жиноят учун айбдор ўз вақтида жавобгарликка тортилиши, жазоланиши лозим. Ўз вақтида жавобгарликка тортмаслик ва жазони ўз вақтида ўтамаслик жиноятчиликнинг олдини олиш вазифасини амалга оширишда кутилган натижани бермайди. Хусусан, жиноятчи жиноят содир қилгандан кейин маълум давргача бошқа жиноят қилмаса, бу унинг тузалгани ва ижтимоий хавфлилик даражаси йўқолганидан далолатдир. Шундай экан, жиноят содир қилгач, орадан анча вақт ўтганидан сўнг айбдорни жавобгарликка тортиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

Қонунда белгиланган муддат бу жиноят содир этган шахс жавобгарликка тортилиши лозим бўлган муайян давр бўлиб, ушбу белгиланган даврнинг ўтиб кетгани шахсни жавобгарликдан озод этиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу муддатлар Жиноят Кодексининг 15-моддасидаги жиноятларнинг тоифасига қараб белгиланган бўлиб, қуйидагича табақаланган:

— ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб — 3 йил;

— унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб — 5 йил;

— оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб — 10 йил;

— ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб — 15 йил

Бу муддатларнинг ўтгани шахсни жавобгарликка тортиш учун кифоя бўлмай, қўшимча қуйидаги икки шартнинг мавжуд бўлишини ҳам талаб этади.

Биринчидан, шахс ушбу давр ичида тергов ва суддан бўйин товламаслиги лозим, акс ҳолда муддатларнинг ўтиши тўхтайди. Бундай ҳолатларда муддат шахс қўлга олинган ёки айбига иқрор бўлиб, бош эгиб келган вақтдан бошлаб қайта тикланиши мумкин. Иккинчидан, оғир ва ўта оғир жиноят содир этган шахс ушбу муддат ўтмасдан, қасддан янги жиноят содир этса, муддатларнинг ўтиши узилади, яъни бекор бўлади ва муддат янги жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Жиноят Кодексининг 64-моддасида агар шахс жиноят содир этилган кундан бошлаб, 25 йил ўтган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги белгиланган. Демак, шахс ҳатто муддати ўтиб кетганликнинг тўхтатилиши ёки бекор бўлиш ҳолатлари мавжуд бўлса ҳам, агар жиноят содир этилганидан сўнг 25 йил ўтган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади. Содир этилган жиноят учун ўлим жазоси тайинланиши назарда тутилган бўлса, жавобгарликка тортиш муддатларини

**Huquqiy ma`rifat**

қўллаш масаласи суд томонидан ҳал этилади. Ушбу қоидалар, яъни жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетгани муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш инсоният тинчлигига ва хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятлар (урушни тарғиб қилиш, агрессия, урушнинг қонун ва удумларини бузиш, геноцид, ёлланиш, терроризм, миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатиш) учун қўлланилмайди.

Жиноят Кодексининг 65-моддасида қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотгани муносабати билан жавобгарликдан озод этиш белгиланган. Унга кўра, ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгаргани туфайли содир этилган қилмиш ёки жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши жавобгарликдан озод этишнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Жавобгарликдан озод қилишнинг ушбу тури икки кўринишда, яъни қилмишнинг ҳамда шахснинг ижтимоий хавфлилиги йўқолиши муносабати билан амалга оширилади.

Биринчи кўринишда шароитнинг ўзгариши қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти йўқолишига сабаб бўлади. Шароитнинг ўзгариши деганда объектив воқеликнинг ўзгариши боис содир этилган жиноятни янги ижтимоий шароитларда ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотгани тушунилади. Шароит ўзгаришини мамлакатда ижтимоий сиёсий аҳволнинг ўзгаришигина эмас, балки айрим шаҳар, ҳудуд, ишлаб чиқариш жойларида муайян шароитнинг ўзгариши маъносида ҳам тушуниш лозим.

Жиноят Кодексининг 65-моддаси 2-қисмига биноан эса жиноятни содир этганидан сўнг шароитнинг ўзгариши мазкур жиноятни содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилигини йўқолишига олиб келади.

**Акром АҲЛИМИРЗАЕВ**

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

**Mitti maslahat**

# МАНСАБДОР ВА ЮРИДИК ШАХС КИМ?

**Айрим кишилар мансабдор шахс ва юридик шахс тушунчалари мазмун-моҳиятини аниқ билмаслиги оқибатида баъзи бир англашилмовчиликлар ҳам келиб чиқмоқда. Шуни инобатга олиб, қуйида бу ҳақда тегишли тушунтириш беришни лозим топдик.**

**Қонунчиликка мувофиқ, мулк шаклидан қатъий назар корхона, муассаса, ташкилотга муайян мансабни эгаллаб турган шахс, башарти унга раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текшириш-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазифалар юклатилган бўлса, мансабдор шахс деб ҳисобланади ("Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекс, 15-модда).**

**Жиноят Кодексига биноан эса мансабдор шахс деганда ташкилий бошқарув ёки маъмурий хўжалик ваколатлари берилган масъул вазифада ишловчи шахс тушунилади.**

**Қуйидагилар масъул мансабдор шахслар ҳисобланади:**

**1. Ҳокимият вакиллари;**

**2. Давлат корхонаси, муассаси ёки ташкилотларида сайлаш ёки тайинлаш бўйича доимий ёхуд маъмурий хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаб турган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар;**

**3. Мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари, давлат бошқаруви юзасидан белгиланган тартибда ҳокимият ваколати берилган жамоатчилик вакиллари;**

**4. Иккинчи бандда назарда тутилган вазифаларни фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларида бажариш билан боғлиқ мансабларни эгалловчи шахслар.**

**Ўз мулки, хўжалик юритиши ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.**

**Юридик шахс мустақил баланс ёки сметага эга бўлиши керак.**

**Кўриниб турибдики, мансабдор шахс ва юридик шахс тушунчалари мазмун-моҳияти билан бир-биридан фарқ қилади. Буни билиб қўйиш ҳамма учун фойдалидир.**



*Ёшлик бу куч-қудрат, шижоат ва гўзаллик демакдир.*

**Huquq va tarix**

# ҚОЗИ АСКАР КИМ БЎЛГАН?

Қўқон хонлиги XVIII аср бошларида сиёсий парокандаликка юз тутган Аштархонийлар — Бухоро хонлиги салтанати ҳудудида (1709 йил) ташкил топиб, 1876 йил феврал ойигача фаолият кўрсатган ҳамда XVIII-XIX асрларда Ўрта Осиё тарихий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Хонликнинг асосчиси «минг» уруғи вакили Шоҳруҳбий (вафоти 1727 йил) ҳисобланади. Хонликда Бухоро хонлигидаги каби Амир Темур даврида шаклланган давлат бошқарув тартиби ва тизими бўлган.

Қўқон хонлигида Ўрта Осиёдаги бошқа хонликларида кузатилгани каби ҳарбий соҳада қабул қилинган қонун ва жорий тартибларни назорат этиш учун масъул шахслар тайинланиб, улар маълум мансаб ва унвонларни эгаллашган. Уларнинг ичида қозилар алоҳида ўрин тутган. Фуқароларнинг арз ва шикоятларини шариат қонунлари асосида ҳал этишга масъул бўлган амалдорлар — қозилар хонликда қози ул-қуззот — қозилар қозисига бўйсунганлар. Қозикалон пойтахт ва вилоят марказларидаги қозилар ва қозихона ишларининг устидан назоратни амалга оширган. Бундан ташқари, хонлик суддлов тизимида қози мутлақ — бош қози мансаби жорий этилган.

Мулла Олим Маҳмуд Ҳожининг (XIX аср) маълумот беришича, Қўқон хонлигида бевосита ҳарбий иш ҳамда қўшинга алоқадор масъул шахслар ва улар эгаллаган мансаб ҳамда амаллар қуйидагича бўлган: қози аскар — қўшин қозиси; қози раис — қўшинларда аскария муфтиси берган фатволарнинг ижро этилиши устидан назорат қилувчи; қози жилов — рикоб қозиси, сафар ва юришларда хизмат қилган; аълам — шариат бўйича гуноҳкорнинг жазосини аниқлаб берган; муфтий — шариат аҳкомлари асосида фатво берувчи; муфтий аскар — қўшин муфтиси.

XIX асрга оид архив ҳужжатлари маълумотларидан аён бўлишича, мазкур мансабларга, яъни қози ул-қуззот лавозимига бир киши, қозикалонга бир киши, қози раисга бир киши, аъламга икки киши, муфтийлик лавозимига эса ўн киши тайинланган. Қозилик лавозимларидаги шахслар давлат томонидан белгиланган маош ва турли даромадлар ҳисобидан кун кўрган. Бундай даромадлар жумласига никоҳхона, таркона, мерос ҳақи ва бошқа хил тўловлар кирган. XIX асрга оид маълумотларга қараганда, масалан, қозикалонга йилига хазинадан 800 ботмон ғалла ва 1200 танга пул берилган.

Хонлик қўшинида қонун ҳимоясига жавобгар шахс қози аскар ҳисобланган. Қози аскар қўшиннинг маънавий салоҳиятига жавобгар бўлиш билан бирга, аскарлар орасидаги келишмовчиликларни ҳал қилувчи ҳарбий судья вазифасини ҳам бажарган. Ҳарбийлар қатъий интизомга бўйсунган, интизомни бузган ҳолларида эса дарра билан жазоланган. Жазолаш бошлиқ ва қози аскарнинг буйруғига асосан амалга оширилган. Қози аскарлар ўз навбатида айрим масалалар борасида қозикалонга бўйсунган. Масалан, Мулла Олим Тошкандийнинг "Тарихи Туркистон" асарида (XIX аср) оғир жиноят қилган, яъни қасддан одам ўлдирган ва ватанига хиёнат қилганликда айбланган аскарлар иши қозикалон томонидан кўрилган.

Хуллас, хонлик қўшинида хизмат қилган ҳуқуқ тартибот ходимлари ҳарбийларнинг қонун ва тартибларга қатъий риоя этишга масъул бўлишган. Қози аскар ҳам ана шундай вазифани бажарган.

**Б. ТУРСУНОВ**

**Jahon tajribasi**




***Америка Қўшма Штатлари дунёнинг энг ривожланган демократик мамлакатлардан бири ҳисобланади. Мазкур мамлакат кўплаб соҳалар, хусусан, гаров кафолатларини тадбиқ этишда ҳам анча бой тажриба тўплаган. Шу боис, қуйида АҚШда гаров тизими, унинг ўзига хос жиҳатлари хусусида фикр юритишни лозим топдик.***

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, АҚШнинг гаров тизимида гаров тўғрисидаги ишлар бўйича қарор чиқарилиши билан боғлиқ жараёнлар аксарият ҳолатларда амалга оширилади. Лекин бу ишларнинг барчаси муҳокама жараёнидан ўтиши керак. Бундай вазиятда айбланувчи ҳуқуқшунос хизматидан фойдаланиши мумкин.

Муҳокама жараёни Федерал тизимда шахс қўлга олингач, 24 соат ичида ўтказилиши шарт.

Бундан ташқари, АҚШнинг айрим юрисдикцияларида гаров қўлланилиши лозим бўлган жиноятлар рўйхати қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилган. Баъзи штатларда эса гаров тўғрисидаги қарорни чиқаришда судья-магистратнинг хоҳиш-иродаси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунда гаров миқдорини судьяларнинг ўзлари белгилайди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, судьяларга айнан гаров миқдорини белгилашда катта ваколатлар берилган.

Федерал тизимда гаровни белгилашга таъсир этувчи бир қанча омиллар мавжуд. Хусусан, эълон қилинган айбнинг оғирлик даражаси; гаров тўғрисидаги муҳокама жараёни олиб борилаётган ҳудуд; жиноятчининг жиноий ўтмиши ва ҳоказолар ана шу омилларни ташкил этади.

Агар АҚШда гаров тизимининг шаклланиш, ривожланиш ва такомиллашиш босқичига назар ташлайдиган бўлсак, гаров тизимининг шаклланиши қамоққа олиш жойларида етарли шароитларнинг йўқлиги, шунингдек, бу давлат учун анча қимматга тушиши билан изоҳланади.

Илгарилари шерифлар одатда, айбланувчининг қариндош-уруғидан айбдорни сақланишни таъминлаш ва унинг судга ўз вақтида етиб келишига кафил бўлишни сўраб мурожаат қилишган. Агар айбланувчи судга ўз вақтида етиб келмаса, суд кафилликка ўтган шахсни айбланувчи содир этган жинояти учун жавобгарликка тортган. Бошқача айтганда, кафилликка ўтган шахс айбланувчининг судгача қочиб кетмаслигини таъминловчи "қўриқчи" вазифасини ўтаган.

Кейинчалик эса хусусий кафиллик амалиёти айбланувчининг судда ҳозир бўлишини таъминловчи гаров мажбуриятига айланди.

Маблағ топиш имкониятининг пайдо бўлиши ўз навбатида гаров тизимининг ривожланишига олиб келган. Чунки кафилликка ўтган шахс гаров мажбуриятини имзолаган. Агар айбланувчи судга ўз вақтида ҳозир бўлмаса, бундай вазиятда гаров маблағи суд томонидан мусодара қилинган. Амалда мусодара жуда камчилик ҳолларда амалга оширган. Баъзан эса кафилликка ўтган шахслар ёнларида маблағи бўлмасдан туриб, гаров мажбуриятини имзолаган. Ана шу ҳолатнинг олдини олиш учун судьялар кафилликка ўтаётган шахсдан агар зарурат туғилса, маблағни тўлай олишини исботлашни талаб қилган.

Аммо йиллар ўтган сайин гаров тизимидаги бундай тартиб-қоида ўзини оқламади ва бир қатор зиддиятларни келтириб чиқарди. Амалдаги гаров тизимидан норозилик айбланувчини судгача озод қилишнинг турли шаклларини пайдо бўлишини тақозо этди.

Бугунги кунда АҚШда гаров амалиётида ҳам молиявий, ҳам номолиявий усуллар кенг жорий этилган. Шуларнинг орасида энг кўп тарқалгани айбланувчининг ўзи судда ўз вақтида ҳозир бўлиш мажбуриятини бўйнига олган ҳолда гаров пули тўлайди. Бундай усул озод қилинувчи томонидан тўланган гаров маблағи ҳисобига озод қилиш деб аталади.

Озод қилинувчи томонидан тўланган гаров маблағи ҳисобига озод қилиш амалиётига кўра, айбланувчи ўзининг судда ўз вақтида етиб келиш тўғрисидаги қасамни имзолагач, озод қилинади. Озод қилишнинг бундай кўриниши муайян шартлар ёки ҳеч қандай шартларсиз қўлланилиши мумкин. Агар айбланувчи қўйилган шартларни бажармаса, бундай вазиятда у гаров тўғрисидаги қонунни бузганликда айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилади. Яшаб турган уйдан ташқарига чиқмаслик тўғрисидаги тилхат, муайян шахслар билан алоқа қилмаслик, комендантлик соатининг белгиланиши (уй қамоғи) ва ҳоказолар бундай шартлар сирасига киради.

Бундан ташқари, АҚШда бир қатор молиявий мажбуриятлар ҳам мавжуд. Булар қуйидагилардан иборатдир:

1. *Гаровни тўла таъминлаш.* Бунда айбланувчи судга гаров маблағини тўла миқдорда тўлайди;

2. Ўзга бир *шахс мажбуриятни ўз зиммасига олиши эвазига озод қилиш.* Бунда гаровга пул қўйган шахс гаров миқдори учун судда векселни имзолайди ва айбланувчидан хизмати учун ҳақ олади (одатда, бу ҳақ гаровнинг 10 фоизини ташкил этади). Агар айбланувчи судга ўз вақтида ҳозир бўлмаса, гаровга қўйилган маблағи тўлиқ миқдорда судга ўтади.

3. *Гаровнинг закалати.* Суд айбланувчининг заклат тўлашига (одатда, бу гаров маблағи умумий миқдорининг 10 фоизини ташкил этади) рухсат ҳам бериши мумкин. Агар айбланувчи судда ўз вақтида келмаса, бу маблағ тўлиқ ҳолда ундириб олинади. Гаров учун қўйилган маблағ пул судда иш кўриб бўлингач, қайтариб берилади. Фақат бу маблағининг 1 фоизи маъмурий сарф-харажатлар учун ушлаб қолинади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 1966 йилда АҚШ Конгресси томонидан **"Федерал гаров ислоҳоти тўғрисида"**ги Акт қабул қилинди. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилишдан кўзланган мақсад шундан иборатки, жиноят содир қилгани учун қўлга олинган шахс, зарурат бўлмаса, қамоқда сақланмасдан очиқда қўйилади.

1984 йил мамлакат Конгресси Жиноят Кодексига гаров тўғрисидаги янги қоидаларнинг киритиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу эса мазкур соҳада туб бурилиш ясади. Хусусан, гаров ва озод қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда суд айбланувчи зиммасига нафақат судда ўз вақтида етиб келиш, балки шахс ва жамият хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини ҳам юклаши тўғрисидаги қоида киритилди.

Шу билан бирга қонунда судга қадар ҳибсда сақланиши лозим бўлган шахслар доираси ҳам белгилаб қўйилди. Чунончи, қуйидаги жиноятларни содир этган шахслар судга қадар ҳибсда ушлаб турилади:

– умрбод қамоқ жазоси ёки ўлим жазоси қўлланилишини назарда тутувчи ўта оғир жиноятлар;

– гиёҳвандлик моддаси билан боғлиқ жиноятлар;

– ўта оғир жиноятлар;

– илгари оғир жиноят содир этган шахс томонидан яна қайта содир қилинган ҳар қандай жиноятлар.

АҚШда бугунги кунга қадар амал қилиб келинаётган 1789 йилдаги **"Суд тўғрисида"**ги қонунда енгил жиноятларни содир қилган шахсларни гаров асосида озод қилиниши шарт эканлиги қатъий белгилаб қўйилган.

АҚШ Конституциясига киритилган олтинчи тузатиш муносабати билан эса гаров учун жуда катта миқдорда маблағ талаб қилиш таъқиқланган. Аммо бу маблағнинг аниқ миқдор қанчани ташкил этиши кераклиги ҳам кўрсатилмаган.

1970 йил Колорадо штатида суд ислоҳоти ҳамда Жиноят процесси тўғрисидаги қонунда гаров учун маблағ тўлашнинг асосий мақсади огоҳлантирувчи қамоқ сифатида белгиланди.

Хулоса сифатида шуни айтиш кераки, АҚШда жорий этилган гаров мажбуриятлари тизими жиноят-процессуал муносабатларни тартибга солишда қўшимча имкониятлар яратиб беради. Бу эса, ўз навбатида мамлакатда инсон ва фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ҳамда манфаатларининг ишончли кафолати саналади.

**Акмал БУРҲОНОВ,**
**ҳуқуқшунос**

**Qonun ko`magi**

***Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги Полосон қишлоғида туғилган Абдуғаффор Қодиров 1991 йили Россиянинг Анжеро-Судженск шаҳрида "Долина" кичик савдо корхонаси очди. Бу корхона Россия ҳудудларидан шартнома асосида қурилиш материаллари, техника эҳтиёт қисмлари ҳамда хўжалик истеъмоли молларини юртимизга олиб келиб, хўжаликлар ва аҳолидан мева, сабзовот, полиз маҳсулотларига айирбош қилиш ҳамда олди-сотдиси билан шуғуллана бошлади.***

# ҚЎЙМАГАН ҲАҚ

1993 йилнинг декабр ойидаги бир тасодифий танишув Абдуғаффор Қодировнинг кейинги йиллар ҳаётига ўчмас из қолдирди. Воқеа эса шундай бўлганди: Анжеро-Судженск шаҳрида Абдуғаффор Қодиров билан Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги ҳозирги Даштобод шаҳар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш корхонаси раҳбари Эркин Саримсоқов ҳамда товаршуноси Жакбарали Мухторовлар тасодифан танишиб қолишди. Шунда Э.Саримсоқов Кемерово шаҳридаги "Хлодокомбинат"га 200 тонна пиёз келтиришгани, бу ердагилар «кеч олиб келдинглар», деб маҳсулотини қабул қилмагани, у декабрнинг совуқ об-ҳавосида музлаб қолганини айтади ва А.Қодировдан бу муаммони ҳал этишга ёрдам сўрайди.

Жиззахдан келиб, маҳсулотига куйган ҳамкасбларига ачинган Абдуғаффор шартнома асосида улар билан ҳамкорлик қилишга қарор қилади.

Шундан сўнг "Долина" билан Даштобод шаҳар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш корхонаси ўртасида шартнома тузишга келишишади.

1993 йилнинг 23 декабр куни йиллик ҳисоботни «ёпиш» мақсадида 1994 йил 10 январ санаси билан йиллик шартномани тасдиқлашади. Шартномага асосан "Долина" кичик савдо корхонаси зоминликларга 140 минг дона хўжалик тўрхалтаси, иккинчи тараф эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериши керак эди.

Даштобод шаҳар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва сотиш корхонаси товаршуноси Ж.Мухторов 1994 йил 15 январда берилган 1-сонли ҳисоб фактура билан "Долина" кичик савдо корхонасидан қиймати 59976000 Россия рублидаги 140 минг дона хўжалик тўрхалтасини қабул қилиб олади. Уларни Анжеро-Судженск шаҳар сут комбинати ҳисобидан 22917348 рақамли вагонга жойлайди ва ўз корхонасига жўнатади.

1994 йилнинг 31 январида тўрхалталар юкланган вагон Даштобод шаҳар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш корхонасига етиб келади ва корхона омбор мудири С.Мейлибоев маҳсулотларни рақамсиз юк хати билан кирим қилади. Ўша пайтда Даштобод шаҳар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш корхонаси раҳбарлари хўжалик тўрхалталарини "Долина" кичик савдо корхонасидан келганини билмаслиги мумкин эмасди. Улар атайин маҳсулотни Анжеро-Судженск сут комбинатидан келган деб қайд этиб, Жиззах вилоятидаги корхоналарга қонуний расмийлаштириб, тарқатиб юборишади.

Шу ўринда Даштобод шаҳар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш корхонаси раҳбари Э.Саримсоқовнинг суддаги кўрсатмаси билан танишинг:

"Мен 1991–97 йилларда мазкур корхонада раҳбар бўлиб ишладим. 1993 йилда бартер шартномасига асосан Кемерово вилоятидаги "Хлодокомбинат"га 200758 килограмм пиёз юборилган. Пиёз эвазига бартер асосида ҳисоб-китоб тўлиқ қилинган. 1993 йил декабрида "Долина" кичик савдо корхонаси раҳбари Абдуғаффор Қодиров билан танишиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришга ўзаро келишганмиз. Қайтишимда товаршунос Ж.Мухторовга унинг бошқа ташкилотлар билан шартнома тузиш учун рақамсиз шартнома бланкасига муҳр босиб, имзо чекиб, тўлдирилмаган бланкани қолдириб келдим. 1994 йилнинг январ ойи охирларида корхонамизга бир вагон, 140 минг дона қишлоқ хўжалик маҳсулотлари солинадиган тўрхалта келди. Хўжалик тўрхалталари Анжеро-Судженск сут шаҳар комбинати ҳисобидан қабул қилиниб, ҳисоботларда кўрсатилди. Корхонамизга кирим, савдо корхоналарига эса чиқим қилинди. "Долина" кичик савдо корхонаси раҳбари Абдуғаффор Қодиров билан ҳеч қандай бартер шартномаси тузмаганман. 1994 йил 10 январдаги бартер шартномаси товаршунос Ж.Мухторовга қолдириб келинган, ўша бланка унинг томонидан тузилган, шартномадаги имзо меники, муҳр корхонаники. 140 минг дона хўжалик тўрхалталари "Долина"дан эмас, сут маҳсулотлари тайёрлаш комбинатидан келиб тушган. Бизда маблағ бўлмагани сабабли маҳсулот баҳоси сут комбинатига тўланмай қолган".

*(Давоми тўртинчи бетда)*

# КЎЙМАГАН ҲАҚ

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Эркин Саримсоқов фуқаровий даъвогар А.Қодировнинг даъвосини судда асло тан олмасликка уринди. Унинг кўрсатмасини эшитиб ҳайратдан ёқангизни ушлашингиз аниқ. Сут комбинатига 140 минг дона хўжалик тўрхалтасига ҳисобида пул йўқлиги учун ҳақи тўланмас эмиш-у, улар жим қараб тураверарканда?

Э.Саримсоқовнинг мазкур кўрсатмаси кейинги кўрсатмасини инкор қилади. Эмишки, А.Қодиров Даштобод шаҳар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш корхонасига келган. Корхонадагилар ўзларидаги мавжуд маҳсулотларни таклиф қилишганмиш-у, А.Қодировга маъқул тушмабди.

Корхона тўлов қобилиятини йўқотади. Шунинг учун бўлса керакки, 1998 йилнинг март ойида корхона тугатилиб, барча ҳужжатлар Зомин туман тайёрлов идорасига топширилади. Тасаввур қилиш қийин эмас. "Долина" кичик корхонасидан бир вагон хўжалик тўрхалталари қабул қилиб олинганига тўрт йил бўлди. Тадбиркор Кемерово билан Жиззах ўртасида неча бор қатнади. Маҳсулоти ўрнига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келиб қолишига умид билан кўз тикди. Корхонанинг тугаганини эшитгач эса, юрагига ғулғула тушди. Ахир, 140 минг дона хўжалик тўрхалтаси оз пул эмасди.

Шундан сўнг Абдуғаффор Қодиров Жиззах вилоят хўжалик суди, вилоят прокуратураси ва бошқа кўплаб нуфузли идораларига қайта-қайта мурожаат қилади.

Даштобод қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш корхонасининг 1994—95 йиллардаги бухгалтерия ҳужжатлари архивга топширилгани ва йўқ қилингани, шунингдек, Э.Саримсоқовнинг "Долина" кичик корхонасидан қарз йўқлигини билдириб берган тушунтиришлари А.Қодировнинг талабини аччиқ ичакдек чўзилиб кетишига олиб келган.

Республика Бош прокуратурасининг саъй-ҳаракати билан тадбиркор А.Қодировнинг кўнглида умид чироғи ёнди. Бу масала 2002 йилнинг 20 ноябридан 2003 йилнинг 9 январигача жиноят ишлари бўйича Зомин туман судида кўриб чиқилди. Шунда мазкур жиноят иши юзасидан бевосита гувоҳ Жакбарали Мухторов ҳақиқий аҳволни ойдинлаштириб, кўрсатма берди: "А.Қодиров билан шартнома тузганидан кейин Э.Саримсоқов Зоминга қайтиб кетган эди. Вагон олиш ҳуқуқига эга бўлмагани сабабли Анжера-Судженск сут комбинати орқали битта вагон буюртма қилдим ва маҳсулотни Жиззахга жўнатдим. Маҳсулот келиб тушгач, корхона раҳбари уни "Долина" кичик савдо корхонаси ўрнига сут комбинати ҳисобига кирим қилган экан. Сабабини сўрасам, "Нима фарқи бор, барибир бартер асосида ҳисоб-китоб қиламиз" дейишди. Шу тариқа "Долина" кичик савдо корхонасига маҳсулот пули тўланмай қолган".

Жиноят ишлари бўйича Зомин туман суди фуқаровий даъвогар Абдуғаффор Қодировга судланувчилар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш

**Qonun ko`magi**

корхонаси раҳбари Эркин Саримсоқов, бош ҳисобчи Бурҳон Сулаймонов, ёрдамчи ҳисобчи Абдусамат Бозоровлардан солидар тартибда 1 миллион 396 минг 886 сўм ундириш тўғрисида ҳукм чиқарди. Жабрланган мулк эгаси бундан қаноатланмади. У жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят судига апелляция тартибида шикоят қилди. Апелляция шикоятида ҳозирги кунда бир дона хўжалик тўрхалтасининг нархи 115 сўмлигини ҳисобга олиб, жарима миқдори билан қўшиб ҳисоблаганда судланувчилардан 24 миллион 150 минг сўм ёки 210 минг дона хўжалик тўрхалтасини натура ҳолда ундириб беришни сўради.

Апелляция судлов ҳайъати ажрими билан жиноят иши янгидан судда бошқа таркибда кўриш учун жиноят ишлари бўйича Зарбдор туман судига юборилди.

Яқинда Жиноят ишлари бўйича Зарбдор туман суди адолатли ҳукм чиқарди. Жиноят Кодексининг 167-моддаси 3-қисми тегишли бандларида кўзда тутилган жиноятни содир этгани учун Э.Саримсоқов, Б.Сулаймонов ва А.Бозоров турли муддатга озодликдан маҳрум этилди. Фақат Президентимизнинг «Амнистия тўғрисида»ги Фармонларига асосан улар белгиланган жазони ўташдан озод қилинди. Улардан 24 миллион 150 минг сўмлик моддий зарар жабрланувчи А.Қодировга солидар тартибда ундириладиган бўлди. Абдуғаффор Қодировга ҳақиқатнинг узоқ манзилига етиш ана шундай машаққатли кечди. У ҳалол меҳнати ҳақига куймади.

**Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**Qutlov**

# ЭЗГУЛИККА БАХШИДА ҲАЁТ



Инсон умрини оқар дарёга қиёслашади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки дарё суви боғларни яшнатади, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ҳаёт бахшида этади. Олижаноб мақсадларни кўзлаган инсон эса ўз меҳнати ва эзгу ишлари билан дунёга зеб беради. Шу маънода устоз ҳуқуқшунос Ғаффор Нурмуҳаммедовнинг ҳаёт йўлини ҳам дарёга ўхшатиш мумкин. Машъум урушнинг барча қийинчиликларини бошдан ўтказиб, ҳуқуқшунослик дипломини қўлига олган ёш мутахассис 1954 йилда Сирдарё тумани судининг раиси лавозимига тайинланди. Бу вазифада у 18 йил ҳалол хизмат қилди.

Касбга садоқат, иймон ва эътиқод, фидойилик, адолатпарварлик каби фазилатлар ҳар жойда ва ҳар бир ишда унинг шиори бўлди. Бу эса унга ҳурмат-эътибор келтирди. Кейинчалик Сирдарё вилоят суди раисининг ўринбосари, Сирдарё вилояти адлия бошқармасининг бошлиғи, Жиззах вилояти суди раиси лавозимида узоқ йиллар ишлаган кезларида ҳам у мазкур ҳаётий қарашларидан асло чекинмади.

Таъкидлаш жоизки, унинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги улкан хизматлари муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист" унвони, бир қанча давлат мукофотларига сазовор бўлди. Энг муҳими, Ғаффор Нурмуҳаммедов бу даврда кўплаб шогирдлар етиштирди. Улар ҳозирда устозларининг эзгу ишларини давом эттиришмоқда. Айни пайтда 80 ёшни қаршилаётган тажрибали устозниng йўл-йўриқ ва маслаҳатлари улар учун бамисоли маёқ вазифасини ўтамоқда.

Инсон учун эл-юрт ҳурматини қозониш юксак бахт. Бу ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Унга эришиш учун инсон умрини эзгуликка бағишлаши лозим. Ғаффор Нурмуҳаммедов ана шундай инсонлар сирасидан. Биз устозимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, кексалик гаштини тилаймиз.

**Бир гуруҳ шогирдлари**

**Jinoyat va jazo**

# ОЛОВЛИ КУРАШ

АҚШ федерал қидирув бюроси ходимлари россиялик "қонундаги ўғри" Вячеслав Иванковни ҳибсга олгач, жамоатчилик ўртасида мазкур ташкилотнинг обрў-эътибори янада ошиб кетди. Аммо кўпчилик шуни билмайдики, гарчи ФҚБ 1908 йилда ташкил этилган бўлса-да, бу ташкилот уюшган жиноятчиликка қарши курашга ўтган асрнинг 60-йилнинг бошларига келиб киришди. Бу ташкилотнинг ўша пайтдаги раҳбари Эдгар Гувер эса, АҚШда уюшган жиноятчилик фақат газетачиларнинг хаёлида фаолият кўрсатади, дея бир неча маротаба масхаромуз таъкидлаган эди.

Лекин аслида ҳеч ким гап нимада эканини яхши билмас эди. Гап шундаки, Э.Гувер АҚШда уюшган жиноятчилик унчалик хавфли эмас, деб ҳисобласа-да, уюшган жиноятчилик жамият ҳаётига жиддий хавф соладиган кучга айланиб бораётган эди. 60-йилларнинг бошига келиб, уюшган жиноятчилар ихтиёрида 20 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ тўпланган эди. Таъкидлаш жоизки, АҚШда уюшган жиноятчиликка қарши муросасиз кураш Президент Жон Кеннеди ва унинг укаси Роберт Кеннедининг бош прокурорлиги даврида бошланди. Ўша пайтда мамлакат адлия вазирлигида уюшган жиноятчиликка қарши курашни мувофиқлаштирадиган бўлим ташкил этилди. Ана шундай муросасиз кураш натижасида 1960 йилнинг бошларида ўттиз йилдан буён Нью-Йоркдаги гиёҳванд моддалар олди-сотдисига бошчилик қилиб келаётган ашаддий жиноятчи Жозеф Валачини ҳибсга олишга муваффақ бўлинди.

Аммо ҳибсга олинганининг дастлабки ойларида Ж.Валачи ломлим деб оғиз очмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари дастлаб "бугун бўлмаса, эртага ҳаммасини гапириб беради", деган ўйда унга кўп ҳам эътибор беришмади. Лекин Ж.Валачининг очиқда қолган ҳамроҳлари аллақачон унинг устидан ҳукм чиқариб қўйишган эди. Чунки улар Ж.Валачи ўзларининг жуда кўп махфий сир-асрорини билишни назарда тутиб, сотиб қўйишидан чўчишар эди. Шунинг учун улар Ж.Валачини сиртдан ўлимга маҳкум этишди ва бу жазони ижро этишга уч марта уриниб кўришди. Лекин уч сафар ҳам Ж.Валачи бахтли тасодиф туфайли омон қолди.

Бироқ мудом таҳдид остида яшагани учун унинг асаблари қаттиқ толиқади. Ана шундай таҳлика ичида яшаётган Жозеф Валачи бир кун қувур парчаси билан ҳамроҳининг бошига уриб, ўлдириб қўяди. Кейинчалик маълум бўлишича, ана шу ҳамроҳи Жозеф Валачининг кўзига суиқасд уюштиришмоқчи бўлган кимса бўлиб кўринган.

Мазкур қотилликдан сўнг Жозеф Валачини муқаррар ўлим жазоси кутар эди. Буни унинг ўзи ҳам яхши биларди. Бироқ кутилмаганда у шундай йўл тутадики, охир-оқибат ўз ҳаётини сақлаб қолди. Аниқроқ айтганда, Жозеф Валачи терговчиларга Нью-Йорк уюшган жиноий гуруҳ фаолиятига дахлдор барча маълумотларни ошкор қилишга тайёр эканини баён этади.

Жозеф Валачининг бундай иқрори гиёҳванд моддалар савдосига қарши кураш Бюросига ғоят қўл келади. Зотан, Жозеф Валачи берган маълумотлар натижасида Бюро ходимлари илгари ҳатто тасаввур ҳам қилолмаган манзара намоён бўлади. Кейинчалик бу воқеадан ФҚБ ҳам хабар топди. ФҚБ раҳбари Э.Гувер Ж.Валачи ёрдамида самарали кураш олиб бориш мумкинлигини тушуниб етди. Шундан сўнг у Ж.Валачи ишини ўз қўлига олиш ҳаракатига тушди.

Хўш, Жозеф Валачи қандай муҳим сир-асрорларни ошкор қилган эди?

Шуни айтиш керакки, у уюшган жиноий гуруҳнинг тузилиш босқичи, нью-йорклик беш нафар раҳнамоларнинг исм-шарифи, уларнинг ёрдамчилари, маслаҳатчилари кимлар, машғул бўлган фаолияти ва даромад оладиган манбалари - хуллас, барча-барчасини оқизмай-томизмай айтиб берди. Бу маълумотлар шунчалик муҳим эдики, ўша пайтдаги АҚШнинг юқори мартабали раҳбарларидан бири шундай эътироф этган: Жозеф Валачи бизга душманимизнинг ҳақиқий қиёфасини кўрсатиб берди.

Иккинчи томондан эса, жиноят оламида Жозеф Валачининг боши учун ҳақиқий кураш бошланиб кетган эди. Энг даҳшатлиси, жиноий гуруҳ раҳномалари унинг боши учун 100 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ тикишди.

Бироқ ана шундай махфий суиқасд тўғрисидаги маълумотни қўлга киритган ФҚБ ходимлари зудлик билан Жозеф Валачини Венчестер графлигига қарашли қамоқхонадан Нью-Жерси штатидаги Монмаут фортида жойлашган ҳарбий базага кўчириб ўтказишди. Бу иш шунчалик махфий тарзда амалга оширилдики, ҳеч ким хабар топмади. Фақат орадан ярим йил ўтгач, жиноий гуруҳ Жозеф Валачи жон сақлаётган жойни аниқлашга муваффақ бўлди. Бироқ улар қўлларидан ҳеч нарса келмаслигини тан олишди. Чунки Жозеф Валачи кеча-ю-кундуз ҳарбий аскарлар билан қўриқланадиган базада жон сақларди.

Жозеф Валачи эса 1963 йилнинг сентябригача соғ-омон яшади. Кейин у сенатор Жон МакКлеллан раҳбарлигидаги тергов комиссияси олдида сўроқ берди. Бу тергов жараёни телевидение орқали бутун мамлакатга намойиш этилди.

1964 йилнинг августида Роберт Кеннеди мамлакат бош прокурори лавозимидан бўшади. Ўтган уч йил мобайнида Р.Кеннеди бош прокурор сифатида мамлакатда уюшган жиноятчиликка қарши кураш борасида талай ишларни амалга оширди. Энг асосийси, бу масалага дахлдор бешта муҳим қонун қабул қилинди. Р.Кеннеди фаолият бошлаганга қадар бор-йўғи 40 нафар жиноий гуруҳ раҳнамоларининг исм-шарифи аниқ бўлса, унинг бош прокурорлик даврида бу кўрсаткич 2300 нафарга етади.

Р.Кеннеди бош прокурорлик лавозимини тарк этгач, расмий ҳукумат мамлакатдаги энг мустаҳкам қўриқланадиган маҳбус — Жозеф Валачига уюшган жиноий гуруҳларни жазавага соладиган қайдларни ёзмасликни маслаҳат берди.

Ж.Валачи эса бундан қаттиқ ранжийди ва ўз жонига суиқасд қилишга уринади. У радио сими билан ўзини осмоқчи бўлди. Бироқ сим узилиб кетиб, ниятига етолмади.

Аслини айтганда, Жозеф Валачининг айтганлари соф ахборот тарзда бўлиб, бу маълумотлар билан бирон-бир уюшган жиноий гуруҳ раҳбарларини ҳибсга олиш қийин эди. Бунга қарамай бу маълумотлар АҚШ ҳукуматининг уюшган жиноятчиликка қарши янги қонунлар қабул қилиш ва ФҚБнинг ваколатларини кенгайтиришга ўз таъсирини ўтказди, холос.

Уюшган жиноятчиликка қарши ҳақиқий кураш мамлакатда 70-йилнинг бошларида, яъни бир гуруҳ Америка ёшлари Вьетнамдаги урушдан ватанларига қайтгандан сўнг бошланди.

Шундай йигитлардан бири Брюс Моу 70-йилларнинг бошида Нью-Йоркдаги энг катта уюшган жиноий гуруҳ - "Гамбино" тўдасига қарши кураш олиб борди. "Гамбино" тўдасини Пол Кастеллано исмли кекса чол бошқарарди. Унга 21 нафар капитан итоат қилар, уларнинг орасида энг қудратли шахс "Бергин" гуруҳининг бошлиғи 40 ёшли Жон Готти эди.

Жон Готти Нью-Йорк шаҳрида яшайдиган кўп болали итальян оиласида туғилган. Қизиғи шундаки, у мактабда жуда яхши ўқиган. Ўқитувчилари уни ҳатто даҳо деб аташган. Лекин у ўн олти ёшга тўлганда, кутилмаганда, мактабни ташлайди ва "Фултон Роковейлик йигитлар" деб номланган тўдасини тузади.

1963 йил у 6 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинади. 1975 йилда эса иккинчи марта раҳнамоларининг талаби билан ўзи содир этмаган қотилликни бўйнига олиб, яна қамоққа тушади.

Қамоқдан чиққанда, жиноят оламида унинг номи анча машҳур эди. 1979 йил Жон Готти 39 ёшида 68 ёшли Кармин Фатиконинг ўрнига капо (капитан) лавозимини эгаллайди. Жон Готти ўта ёвуз кимса бўлган. У ўзининг ўртанча ўғлини Но Фавора исмли кимса автомобили тасодифан уриб кетганда, айбдорни электр арра билан қиймалаб ташлайди...

ФҚБ ходими Брюс Моунинг биринчи ҳаракати шундан иборат бўлдики, у Готти йиғиладиган жой, хусусан, унинг ёрдамчиси Анжело Ружеронинг уйига айғоқчи қўяди.

Бироқ 1982 йилнинг апрелида Ружеро шошилинч тарзда яшаш жойини ўзгартиради. Чунки ФҚБнинг "СП-160" гуруҳи мақсадини уюшган жиноий гуруҳга кимдир сотган эди. Энг ёмони, ФҚБ ходимларининг барча ҳатти-ҳаракати уюшган жиноий гуруҳ раҳнамоси Готтига ўз вақтида етказилиб турилган. Бундан ташқари, 1985 йилнинг мартида ҳудудий прокурор ёрдамчиси Д.Жоколанс "СП-16" гуруҳи ходимларининг норозилигига қарамай жиноий гуруҳ орасида фаолият олиб бораётган агентни ҳибсга олади. Яна денг, суд жараёнида прокурор ёрдамчиси 15 йилдан буён ФҚБ фойдасига ишлаб келаётган кимсанинг исмини ошкор қилади. Бу агент орадан кўп ўтмай жиноий гуруҳ томонидан ўлдирилади.

1985 йилнинг 16 декабрида "Усперкса" ресторани олдида Нью-Йорк жиноий гуруҳи раҳнамоси Пол Кастеллано отиб ўлдирилади. Бу суиқасд бошқа бировэмас, балки Жон Готти томонидан уюштирилади. Унинг мақсади — Пол Кастелланонинг ўрнини эгаллаш эди. Орадан 8 кун ўтиб, Жон Готти Нью-Йорк жиноий гуруҳи раҳнамосига айланади. Ана шунинг шарафига бўлиб ўтган тантанада Жон Готтига ҳаммаслаклари 2 миллион АҚШ доллари совға қилишади.

Аммо Жон Готтининг бу қувончи узоққа чўзилмайди. Нега деганда, Пол Кастелланонинг ўлимида айнан унинг қўли борлигини марҳумнинг оила аъзолари билиб қолишади ва қотилдан ўч олиш пайига тушишади. Таҳлика ичида яшаётган Жон Готти ўзининг қўриқчилари сонини янада кўпайтиради, бегона кишилар билан умуман алоқа қилмай қўяди. Бироқ у ўзини ҳар қанча муҳофаза қилмасин, барибир, бундай таҳдид ва қўрқув ичида узоқ яшаб бўлмасди. Ана шундай вазиятда у айёрона йўл тутади, яъни гўёки босқинчиликда айбланиб, ҳибсга олинди. Натижада 10 ой қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Қамоқхона Жон Готти учун жон сақлашнинг бирдан-бир ишончли йўли эди.

Орадан 10 ой ўтгач, Жон Готти қамоқхонадан чиқади. Лекин Пол Кастелланонинг оиласи ҳали қасос олиш ниятидан қайтмаган эди. Улар Жон Готтининг ҳаётига қасд қилиш учун қулай фурсат кутишар эди.

Ниҳоят, 1987 йилнинг августида Жон Готти Пол Кастелланонинг оиласи билан ярашиш битими тузишга муваффақ бўлди. Бироқ бунга қарамай ФҚБ ходимларининг уюшган жиноий гуруҳга қарши кураш мутассил давом этди. Табиийки, бу борада турли-туман қийинчилик, йўқотишлар, талофатлар берилди. Ниҳоят, ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида 1990 йилнинг 11 декабрида Нью-Йорк уюшган жиноий гуруҳи раҳнамоси Жон Готти жиноят устида қўлга олинди. 1992 йилнинг 2 мартида у суд қилинди. Жиноят оламининг вакили Жон Готти қонунчиликнинг 14 банди билан айбдор деб топилди. Бундан ташқари 19 та қотиллик жиноятида унинг иштироки исботланди. Шундан келиб чиқиб, суд уни умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилди.

**«Интернет» материаллари асосида Бобомурод РАЙИМОВ тайёрлади.**

**Qilmish-qidirmish**

# БОШИ ЭГИК "БОТИР"ЛАР

## ёхуд валютафурушликнинг кўнгилсиз оқибатлари хусусида

Маънавиятимиз дурдонасига айланган "Уч оғайни ботирлар" эртагини кўпчилик яхши билади. Эртак қаҳрамонлари Тўнғич, Ўртанча ва Кенжа ботир бахт сафарига отланиб, шер, аждар, ўғрилар билан яккама-якка кечган даҳанаки жанглардан ғолиб чиқишади. Охир-оқибат эса муроду-мақсадларига етишади.

Биз тилга олмоқчи бўлган уч оғайни "ботир"лар эса шер билан ҳам, аждар ёхуд ўғрилар билан ҳам олишишмайди. Улар якка ҳолда ҳам эмас, балки учалови бир бўлиб, ўлжа, шахсий бойлик йўлидаги "жанг"га отланди. Афсуски, уч оғайни амалга оширмоқчи бўлган "қаҳрамонлик" "ботир"лар шаънига доғ бўлиб тушди.

Аслида, тўрткўллик Файзулла Ҳожиев, Алишер Отамуродов ва Рашид Игликовлар ака-ука эмас, валютафурушлик йўли ўзаро яқинлаштириб қўйган оғайнилар, холос. Рашид олий, Файзулла ва Алишерлар ўрта махсус маълумотга эга бўлса-да, ўз соҳаларида ишлашни хуш кўрмай, ҳаётда енгил-елпи йўлни танладилар. Файзулла 2001 йилнинг бошидан "қора бозор"га сумка орқалаб кирди. Шу зайлда чет эл валюталарини олди-сотдиси билан шуғулланиб юрди. 2002 йилнинг бошларида Алишер билан танишиб, уни ҳам ўз сафига тортди. Ўша йили қонунга зид хатти-ҳаракатлари учун "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекснинг 170-моддаси билан жавобгарликка тортилди.

Аммо инсофга чорловчи бу жазо Файзулланинг ақл кўзини очмади. Аксинча, у қабоҳат аталмиш бўшлиқнинг тагтагигача шўнғий борди. Кўп ўтмай, валютафурушлар сафига учинчи кимса Рашид қўшилди. Бу орада Алишер ҳам маъмурий жавобгарликка жалб этилди. Аммо надоматларким, нафс, текин даромад йўлидаги қоқилишлару эл-юрт даккиси виждонни пулга сотган "ботир"ларга кор қилмади.

... 2003 йилнинг 8 феврали. Тўрткўл деҳқон бозори одамлар билан гавжум. Валютафурушларнинг омади чопгандан чопган. Кутилмаганда даврада сипогина рус йигит пайдо бўлди. У худди эски танишлардек тўппа-тўғри Файзулланинг олдига келди ва доллар бор-йўқлигини сўради.

— Максим, — деди қўл узатиб. Сўнг, ўзининг сафарга кетаётганлигини, доллардан анчагина миқдорда зарурлигини айтди.

Файзулла бу очиқ кўнгил йигит таклифини хуш қабул қилди. Шериги Алишерни ёнига имлади-да, Максимни унга таништирган бўлди. Ёнларидаги 500 АҚШ долларини 620 минг сўмга пуллади.

Максим яна 600 доллар топиб беришни сўради. Бозорда бунча миқдорда валюта топилмагач, Файзулла "меҳмон"ни Рашидларникига бошлади. Рашид ҳам ҳаётнинг оқу қорасини бироз таниган йигит эмасми, уларнинг бекорга келмаганини тезда фаҳмлади. Файзулланинг таклифи билан ичкаридан 600 доллар олиб чиқди ва зумда меҳмоннинг 744 минг сўм пулини қуртдай санаб олди.

Бироқ Максимнинг иши битган бўлса-да, негадир йигитлардан ажрагиси йўқ эди. Ҳа, воқеа боиси улар "қора бозор"га кириб келганларида аён бўлди. Максим берган пулларнинг барчаси номерланган эди...

Сафар қариди. Валютафурушликни тирикчилик манбаига айлантирган, текинтомоқлик касалига мубтало бўлган уч оғайни "ботир"ларнинг хом нияту барча "саргузашт"ларига давлатимиз қонунчилиги томонидан якун ясалди.

**Фахриддин НУРИДДИНОВ,**
**ҳуқуқшунос**

**Mushohada**

# ЎСМИР НЕГА ЖИНОЯТГА ҚЎЛ УРАДИ?

Ҳали вояга етмаган, оқ-қорани тузук-қуруқ таниб улгурмаган баъзи ёшлар нега жиноят кўчасига кириб қолмоқда? Тарбияси оғир болаларни кескин камайтириш борасида ички ишлар бошқармаси, халқ таълими бўлимлари, маҳалла ўзини-ўзи бошқариш идораларининг ўзаро ҳамкорлиги қай йўсинда олиб борилмоқда? Бу каби саволларга жавоб топиш мақсадида вояга етмаганлар профилактикаси ҳисобида турувчи ўсмирлар ҳужжати билан танишар эканман, Елена исмли ҳали 10 ёшга ҳам тўлмаган қиз гиёҳванд моддалар истеъмол қилиб рўйхатга олинганини билиб, беихтиёр ҳайратландим. Ҳайратимни кўриб, маҳалла профилактика инспектори тушунтириш берди:

— Елена ёлғиз бўлмаган. Ётоқхонада бирга турадиган 12 ва 15 ёшли қўшни болалар билан канал бўйида бангидевона йиғиб, қовуриб ейишган. Бундан учаласи ҳам заҳарланган. Болалар касалхонада даволаниб чиқишгач, мактабда, кейин маҳаллада муҳокама қилинган. Уларга маҳалла фаолларидан "тарбиячилар" бириктирилган. Ота-оналари билан суҳбатлашилган. Улар куну тун оила ташвишлари билан банд бўлган. Фарзандлари тарбияси билан шуғулланишга вақтлари бўлмаган. Дунёда фарзанд тарбиясидан ҳам муҳимроқ вазифа йўқлигини гўё унутиб қўйишган.

Ўшанда Еленанинг ўзи билан суҳбатлашган эдим. Ёзган тушунтириш хатини ўқиб, хуснихати имло хатоларисиз, чиройлилигини кўриб ҳавасим келган эди. Мактабда ҳам ёмон ўқимасди.

Шу воқеадан кейин Еленанинг аҳлоқида яхши томонга эмас, салбий томонга ўзгара бошлади. Ўқишга иштиёқи сусайди. Уни қанчалик назоратга, сиқувга олган сари мактабга қатнашдан безиб қолди. Оилавий муҳит туфайли кўчаларда ёмон болаларга аралашиб қолиб, кўзингга тик қараб ёлғон гапирадиган, тап тортмай алдайдиган бўлди.

Яна бир Виолета исмли қизни биламан. 8-синфда ўқиб юрган пайтида профилактика инспектори томонидан спиртли ичимлик истеъмол қилганликда рўйхатга олинган. Мактабда синф раҳбарининг жонбозлиги билан синфдошлари ўртасида шарманда қилингач, дарсларга умуман қатнамай қўяди. Ваҳоланки, у синфида аълочи ўқувчилардан бири эди.

Балки биз катталар фарзандларимиз ишончига киролмаётгандирмиз? Балки уларни ўзимиздан бездириб қўйгандирмиз?

Агар профилактика инспектори Елена ёки Виолетани мактабда синфдошлари ўртасида мулзам қилишга шошилмаганида, уларни бу йўлга бошлаган омиллар билан жиддийроқ қизиқиб, ота-она, маҳалла фаоллари, қариялар, педагог-тарбиячилар билан бамаслаҳат иш олиб борганида, эҳтимол, уларнинг мурғак қалби жароҳатланмаган, одамлардан, ҳаётдан безмаган бўлармиди?

Яхши гап билан илон инидан чиқади, дейдилар. Назаримизда, баъзан фарзандларимиздан бир оғиз ширин каломимизни, самимий муносабатимизни дариғ тутаётгандаймиз. Профилактика нозирлари, маҳалла фаоллари, мактаб маъмурияти, ёшлар билан ишлаш комиссиялари, педагог-тарбиячилар қоғоз қоралаш, тадбирлар белгилаш, режалар тузиш билан банд. Текширувчилар ҳам қоғозга қараб ишга баҳо беришади.

Яқинда бир танишим билан суҳбатлашиб қолдим. У узоқ йиллар таълим соҳасида ишлаган. Кўплаб тарбияси оғир болаларга ҳаётда тўғри йўлни топиб олишлари учун ёрдамлашган.

— Баъзи бир болалар ва қизлар оилали бўлиб кетишган бўлсалар ҳам, ҳозиргача кўча-кўйда мени учратиб қолишса, ҳурматимни жойига қўйишади. Мен меҳнатларим зое кетмаганидан хурсандман, — деди у менга гап ўртасида. — Афсус, ишим, вазифам деб, чарчаш нима билмай меҳнат қилиб юрaверибман. Ўз оилам, фарзандларим тарбиясига ҳам вақт ажратишим лозимлигини, улар ҳам она меҳрига муҳтожлигини эса ўйлаб ҳам кўрмабман. Яхшиямки хатоимни ўз вақтида англадим. Фарзандларим аҳлоқидаги ўзгаришларни ўз вақтида пайқаб қолдим.

Ёш ниҳол эътиборга, парваришга муҳтож бўлади. Фарзанд ҳам шундай. Фарзандларимизни меҳрдан бебаҳра қилмайлик. Зеро, улар бизнинг келажагимиздир.

**Равшан ИСОҚОВ,**
**журналист**



*Сўлим оқшом*

*Ушбу сондаги суратлар муаллифи: Абдуғани ЖУМАЕВ*

# ЙЎЛИ ЙЎҚ ЙЎЛТЎСАР

Сирғали туманида яшовчи, ҳар оқшом спиртли ичимлик ичиб олиб текканга тегиб, тегмаганга кесак отувчи ака-ука Дилмурод ва Қаҳрамон Умаровларни маҳалладошлари дилозор безорилар сифатида ном чиқаришган. Ҳали уйланмаган, эндигина йигирма тўрт ёшга тўлган, ҳеч жойда ишламайдиган Дилмурод уч марта, эндигина йигирма икки ёшга тўлган укаси Қаҳрамон бир маротаба турли безорилик ва жиноий ишлари сабаб қамалиб чиқишганига қарамай, бу қабиҳликларидан пушаймон бўлиш ўрнига яна ўзларининг разил одатларини ташлашмади. Шу ўринда ака-ука ҳақида икки оғиз сўз: улар бор-йўғи саккизинчи синф маълумотига эга, холос. Бирон жойда фойдали иш билан шуғулланиб, ҳалол пул топиш эса хаёлларига ҳам келмаган.

Ака-ука Умаровлар 2002 йилнинг 17 ноябр куни кундузи билан спиртли ичимлик ичишиб бақир-чақир билан қўни-қўшниларнинг тинчлигини бузишгани етмаганидай, тунда йўлдан ўтган йўловчиларнинг жиғига тегишиб, ҳар хил куракда турмайдиган сўзлар билан уларни ҳақорат қилиб юришган. Шундай пайтда дўстлариникига меҳмонга келган Сергей Сергеев уларга дуч келиб қолади. Мастлик туфайли бўридай ваҳший қиёфага кирган Дилмурод ва Қаҳрамон Сергейнинг кимлигини ҳам суриштириб ўтиришмай, уни ёғоч-калтак билан уриб дўппослашиб, жабрланувчига оғир тан жароҳати етказишгач, жиноят жойидан яширинишган.

Буни қарангки, маҳалла кўз ўнгида шунча жиноятни содир этган муштумзўрлар судда ўз айбларини тан олишмай шу куни тунда Сергеев Сергейни кўрмаганликларини айтишди. Аммо ҳаиқатдан ҳеч ким қочиб қутулмаган. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади. Суд гувоҳлар жиноятчиларнинг қўшнилари Еремина Наталья ва Колесникова Еленанинг кўрсатма ва гувоҳликларига асосланиб, ака-ука Дилмурод ва Қаҳрамон Умаровларга қилмишларига яраша жазо белгилади.

Шундай қилиб, ҳали ёш бўлишларига қарамай Дилмурод тўртинчи марта, укаси Қаҳрамон Умаров эса, иккинчи жиноятга қўл урди.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: азалдан элимизда бир фарзандга етти маҳалла ота-она, деган нақл бор. Нега икки ёшнинг шунчалар қабиҳлик ботқоғига ботиб кетганини кўриб-билиб туриб, кўпинча атрофдагилар уларга парво қилмаяпмиз? Судда гувоҳлик берган қўшнилар жиноятчиларни ўша куни кундузи спиртли ичимлик ичиб олиб, бақириб-чақириб, атрофдагиларнинг ҳаловати ва тинчини бузаётганларида милиция ходимларига телефон қилишмади. Ёки маҳалла аҳлидан уч-тўрт киши тўпланиб, икки ака-укаларни тартибга чақиришганда бир бегуноҳ меҳмон оғир тан жароҳат олиб азобда қолмаган, йигитлар яна қамалишмаган бўлишармиди? Айримларнинг атрофда кечаётган турли воқеа-ҳодисаларга лоқайд қараётганини кўриб, ачинасан киши. Ахир, оғир жароҳат олган Сергей ўрнида ўша тун ҳар биримиз бўлиб қолишимиз ҳам мумкин эди-ку?!

2003 йилнинг Президентимиз томонидан "Обод маҳалла йили" деб эълон қилингани бежиз эмас. Ҳар биримиз аввало атрофдаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан масъулият билан муносабат билдирсак, кўплаб кўнгилсизликларнинг олдини олган бўламиз. Шунда йўлимиздан йўлтўсар чиқмайди. Кунимиз ҳам, тунимиз ҳам тинч, осуда ўтади. Тинчлик эса энг катта бойлигимиздир. "Обод маҳалла йили"да бир-бирларимизга янада эътиборлироқ, меҳроқибатлироқ бўлайлик. Шунда ҳеч биримизнинг бекордан бурнимиз қонамайди. Зеро, жиноят рўй бергандан кўра, унинг олди олинса,

**Munosabat**

ҳаммамизга ҳам фойда эмасми?

Баён этилганга ўхшаш воқеалар фақат Сирғали туманида эмас, бошқа жойларда ҳам баъзан содир этилаётганини инобатга олиб, яна бир мулоҳазани таъкидламоқчимиз: бир оиладан икки йигит турли жиноятлар содир этиб, қайта-қайта қамалаётганига маҳалла қўмитаси вакиллари қандай муносабатда бўлишяпти экан? Агар бу ҳодисалардан тўғри хулоса чиқарилиб, чора-тадбирлар кўрилмаса, маҳаллада бундан ҳам аянчли воқеалар рўй бермайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Шу ўринда тартибни сақлаш идоралари вакилларига маҳалла аҳли ва жамоатчиликнинг фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Маҳалла қўмиталари ходимлари кўчалардаги посбонлар ва жамоат вакиллари билан ҳар оқшом ўз ҳудудларини назорат қилишни канда қилмаса, шунга ўхшаш кўнгилсизликлар содир этилмайди.

**Улуғбек СУННАТОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Шуҳрат МУСАЕВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ
Бўритош МУСТАФОЕВ
Пўлат САМАТОВ
Хуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Сайфиддин РАҲИМОВ
Ғафўр АБДУМАЖИДОВ
Холли НОРБОЙ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-921. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 136-72-37 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50